

ОНА ВАТАН ТАҚДИРИГА ҲАР БИРИМИЗ ДАХЛДОРМИЗ

Тирик, мағрур, ҳақ сўз қуролимиз бўлсин!



Ватан ягонадир,
Ватан биттадир

2023 йил—Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили

Ассалому алайкум, азиз муштари!

ISTIQBOL YOLI

Кўштепа туманинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

1943 йил 6 марта бошлаган

www.istiqbolyuli.uz

istiqbol.43@mail.uz

2023 йил 15 июл № 28 (8470)

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЮҚСАК ИШОНЧИНИ ОҚЛАШ, ЭРИШГАН ЮТУҚЛАРИМИЗНИ ЯНГИ, ЯНАДА УЛКАН НАТИЖАЛАР БИЛАН МУСТАҲКАМЛАШ – БОШ ВАЗИФАМИЗ

Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимида бағишиланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутки

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Хурматли Сенат аъзолари!

Хурматли Конунчиллик палатаси депутатлари!

Хорижий дипломатик корпус вакиллари!

Хонимлар ва жаноблар!

Мана шу тарихий ва ҳаяжонли дақиқаларда аввало менга юқсан ишонч билдириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлаган барча юртдошларимга бир бор чин қалбимдан самимий миннатдорчилик билдираман.

Муқаддас Ватанимиз тимсоли ва мустақиллигимиз рамзи бўлган Ўзбекистон Республикаси давлат байроғига, мадҳиямиз ва гербимизга, менга топширилган Президентлик Олий нишони ва байроғига юқсан хурмат бажо келтираман.

Азиз дўстлар!

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланышимни мен инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, ҳалқ манфаатини таъминлашга қаратилган сиёсатимизнинг яна бир юқсан эътирофи сифатида қабул қиласман.

Бўлиб ўтган Президент сайлови янгиланган Конституциямиз асосида ўтказилгани унга чинакам ҳалқчил руҳ ва мазмун бағишилади. Ушбу сайловда ҳалқимиз ўз хоҳиш-иродасини эмин-эркин билдириб, Янги Ўзбекистон учун овоз берди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Мамлакатимиз ҳаётидаги ғоят муҳим ва масъулиятли бу сиёсий жараён эл-юртимиз билан биргалиқда танланган ва амалга ошираётган миллий тараққиёт йўлинимиз нақадар тўғри эканини яна бир марта тасдиқлади.

Сайловда 15 та ҳалқаро ташкилотдан 466 нафар, 47 та хорижий давлатдан 331 нафар вакил ҳалқаро кузатувчи сифатида қатнашди. Шу билан бирга, 1400 нафар ташкилотидан ҳам кузатувчilar иштирок этди. Буларнинг барчаси ушбу сайлов жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиши уйғотганини кўрсатади.

Европада Ҳавфисизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг узоқ муддатли миссиялари бутун сайлов жаҳаёнларини бевосита кузатиб борди.

Шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентларо ассамблеяси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилотидан ҳам кузатувчilar иштирок этди. Буларнинг барчаси ушбу сайлов жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиши уйғотганини кўрсатади.

Махаллий ва хорижий кузатувчilar сайлов миллий конунчилигимиз ва умумзтироф этилган ҳалқаро таъмийлар асосида, эркин ва демократик, соғлом рақобат ва сиёсий кураш мухитида, очиқлик ва шаффоғлик руҳида ўтганини эътироф этдилар. Бу, ўз навбатida, барчамизни бирлаштириб, ўз куч ва имкониятимизга бўлган ишончимиз, ҳалқимиз. Ватанимиз олдиаги масъулиятимизни янада ошириши табиий, албатта.

Хурматли тантанали маросим қатнашчilari!

Олижаноб ва бағрикент ҳалқимиз менга яна бир бор катта ишонч билдириб, буюқ Ватанимиз тақдири учун бутун масъулиятни ўз зиммамга олиш имконини берганини шу ҳаяжонлила ҳаҷзаларда янада чукур anglab, қалбим чексиз ғурур ва ифтихор туйғуларига тўлмоқда.

Шу билан бирга, бутун елкамга қандай улуғвор масъулият олаётганини, Ватанимиз мустақиллиги, 36 миллиондан зиёд азиз ҳалқиминг тинчлиги ва фаровонлиги учун шахсан жавобгар эканимни юрак-юрагимдан хис этиб турибман.

Мана шундай юқсан ишонч учун, хурмат ва эътибор учун кўймиллатли, мард ва донишманд ҳалқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан таъзим қиласман.

Номзодимни илгари сурган ва сайлов кампанияси давомида асосий таянчим бўлган Тадбиркорлар ва ишбилиармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демокра-

тиқ партиясининг аъзолари ва фаолларига, биз билан ҳамфир бўлиб, номзодимни қўллаб-қувватлаган “Миллий тикланиш” демократик партияни вакилларига, барча тарафдорларни ҳамда ишончли вакилларимга чин қалбимдан ташаккур айтаман.

Сайловда муносиб иштирок этган “Адолат” социал-демократик партиясидан номзод – Робахон Маҳмудовага, Ўзбекистон Ҳалқ демократик партиясидан – Улугбек Иноятовга, Ўзбекистон Экологик партиясидан – Абдушукур Ҳамзаевга алоҳида миннатдорлик билдириб, уларнинг келгуси ишларига ютуқ ва омадлар тилайман.

Албатта, биз турли сиёсий партияларга мансуб бўлишимиз, турли ғоя ва қарашлар тарафдори бўлишимиз мумкин. Демократия дегани ҳам аслида шу. Аммо моҳият эътибори билан қараганда, барчамизнинг, бутун Ўзбекистон ҳалқининг мақсади бир. Бизнинг барчамизни Ватан, эл-юрт манфаати бирлаштиради.

Шу сабабли биз сайловда қатнашган партияларимиз дастурларида энг муҳим фикрлар ва амалий тақлифларни келгуси фаолиятимизда албатта эътиборга оламиз. Барчамиз Янги Ўзбекистон деган ягона ва улуғ мақсад атрофида янада жипсласиб, ҳалқимизнинг орзу-армони бўлган мана шу эзгу ғояни амалга ошириш йўлида ҳамкорлик қиласман.

Муҳтарам ватандошлар!

Бутун, ушбу тантанали маросимда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчиларига, барча туман ва шаҳарларимиз, қишлоқ ва овулларимиз ахолисига, юртимизда тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш йўлида сидқидидан хизмат қилаётган маҳалла фаолларига, фуқаролик инститuti вакилларига, ҳаётимизнинг нуру зиёси бўлган азиз фахрийларимизга, жамиятимиз ривожига бекиёс ҳисса қўшиб келаётган қадрли опа-сингилларимизга, келажигимиз эгалари – навқрон ёш авлодимизга, суюкли ўғил-қизларимизга, чет элларда таълим олиб, меҳнат қилаётган, Ватан меҳри билан яшаётган барча ватандошларимизга чин юракдан ташаккур билдираман.

Айни вақтда ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда фидокорона меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларга, тадбиркор ва фермерларга, бунёдкор қурувчиларимизга, фидойи устоуз ва мураббийларга, илм-фан, ижод ва санъат аҳлига, муҳтарам уламоларимизга, ахоли саломатлигини асрари ва мустаҳкамлаш йўлида жонбозлик кўрсатаётган тиббиёт ходимларига, дунёдаги энг улуғ ва шарафли вазифани адо этаётган жасур ҳарбийларимизга, барча Ватан ҳимоячиларига, жаҳон майдонларида юртимиз байроғини баланд кўтараётган матонатли спорчиларимизга алоҳида раҳмат айтаман.

Шу билан бирга, Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларига, маҳаллий ҳокимлар ҳамда хорижий мамлакатлардаги элчиларимизга, дипломатик ваколатхоналаримиз ходимларига, сайлов жараёнларида қатнашган маҳаллий ва хорижий кузатувчilarга, оммавий ахборот воситалари вакилларига, журналист ва блогерларга самимий миннатдорчилик изҳор этаман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайловни муносабати билан самимий табриклиарини йўллашган мамлакатимизнинг барча фуқароларига, хорижий давлатлар ва ҳалқаро ташкилотлар раҳбарларига, сиёсат ва жамоат арбобларига чукур эҳтиромимни билдираман.

Қадрли ватандошлар!

Ҳалқимизнинг бизга билдириган юқсан ишончи барчамиздан – депутат ва сенаторлар, вазир ва ҳокимлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарларидан, ҳар бир юртдошимиздан белимизни янада маҳкам боғлаб, аввалгидан икки-уч карра кўпроқ гайрат ва шижоат билан ишлашни талаб этади.

Шу маънода, олдимизда турган давр Ўзбекистон

учун сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маданий-гуманистар соҳаларда туб бурилиш ва улкан ўзгаришлар даври бўлади. Кечаги натижка, кечаги қараш ва мезонлар энди тарих. Улар энди бизни қониқтиримайди.

Янги давр учун янги ғоя ва ташабbuslar керак, янги натижалар керак. Шундагина у том маънода янги давр бўлади.

Ўзингиз кўриб турибсиз, бутун дунё қандай шиддат билан, кескин ўзгариб бормоқда. Жаҳон миқёсида бир тарихий давр ниҳоясига етмоқда. Айни вақтда олдиндан таҳлил қилиб бўлмайдиган жараёнлардан иборат ўта мурракаб янги бир давр бошланмоқда.

Ер юзининг турли минтақаларида давом этаётган куролли мажоролар глобал тинчлик ва осойишталикка жиддий путур етказмоқда. Бундай низо ва тўқнашувлар, шафқатсиз рақобат савдо ва инвестиция оқимларини, товар ва хизматлар айланишини издан чиқариб, озиқ-овқат ва энергетика хавфисизлиги бўйича янги муммоловлар келтириб чиқармоқда.

Дунё миқёсида иқлум ўзгариши, табиий бойликлар ва суръесларининг тобора тақчил бўлиб бораётгани ҳам барқарор ривожланишга кучли салбий таъсир кўрсатмоқда.

Биз мана шундай оғир ва таҳликали вазиятда ҳалқимиз манфаатларига жавоб берадиган ягона тўғри йўлни – самарали ички ва ташки сиёсат йўлини аниқ белгилаб олишимиз ва уни қатъий амалга оширишимиз лозим.

Ислоҳотларимизнинг таъсирчанлиги ва бардавомлигини таъминлаш учун йўлимида учраши мумкин бўлган барча ҳавф-хатар, тўсиқ ва ғовларни ҳисобга олишимиз ва улардан талафотсиз ўтиш чораларини кўришимиз зарур.

Барчамиз биргалиқда келажакка ишонч билан интилиб, бутун дикъат-эътиборимизнинг олдимизда турган вазифаларни ҳал этишга қартишимиз, ҳалқимиз кутаётган, даврнинг ўзи талаб этаётган янги ғоя ва ташабbuslarни илгари сурошимиз лозим.

Биз ўтмишдан, кечаги тарихимиздан, йўл қўйган хато ва камчиликларимиздан зарур холосалар чиқариб, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги ўрни ва нуфузини янада юксалтиришимиз, Ватанимиз шуҳрати ва шон-шарафуни ҳамма жабхаларда муносиб ва мардана ҳимоя қилишимиз керак.

Нега деганда, бутунгি кескин рақобат оламида кечаги мезон ва ёндашувлар билан ривожланиб бўлмайди. Бутунгি замон – бу кечаги замон эмас.

Шу боис, ҳар бир имкониятдан оқилона фойдаланиб, ҳар қандай муаммони ақл билан, илм билан ҳал қилишимиз, турли синовларни ҳалқимиз билан бамаслаҳат, оғир-вазмин бўлиб енгиг ўтишимиз керак.

Парламентимиз, ҳукуматимиз, вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимлар ӯзларининг келгуси фаолиятларини мана шу омилларнинг барчасини инобатга олган ҳолда ташкил этишлари зарур.

Энди барча соҳа ва тармоқларда тизим ўзгаради, вазият ўзгаради, самародорлик ўзгаради.

Биз сайловнинг эртаси куниёк белгилаб олинган улкан мақсадларни амалга ошириш бўйича қатъий ҳаракатларни бошладик. Чунки вақт, ҳаёт бизни кутиб турмайди. Даврнинг ўзи барчамизни тезкор бўлишга, керак бўлса, вақтдан ўзиб ишлашга унданомақда.

Кимки “Сайлов ўтди – сафарбарлик тугади”, деб ўйласа, хато қиласди. Ҳақиқий сафарбарлик энди бошланади. Чунки ҳалқимиз бизга ишониб топширган катта-катта режа ва дастурларни ўзимиз бажармасак, айтинг, четдан ким келиб бажариб беради?

Келгуси еттий ийлга мўлжаллаб ишлаб чиқилган стратегик мақсадларга эришиш учун бизда барча куч ва имкониятлар бор.

Давоми 2-бетда



ХАЛҚИМИЗНИНГ ЮҚСАК ИШОНЧИНИ ОҚЛАШ, ЭРИШГАН ЮТУҚЛАРИМИЗНИ ЯНГИ, ЯНАДА УЛКАН НАТИЖАЛАР БИЛАН МУСТАҲКАМЛАШ - БОШ ВАЗИФАМИЗ

Давоми. Боши 1-бетда.

Тажрибамизни ишга солиб, ислоҳотларимиз суръати ва самарасини янада оширамиз, ҳеч қачон сусайтирумаймиз. Қанчалик қийин ва машиқатлар бўлмасин, танлаган йўлнимиздан ортга қайтмаймиз.

“Ҳар бир кун – бу имконият, ҳар бир кун – бу келажак пойдевори” деган шиор бугундан бошлаб ҳаётимиз қоидасига, ҳар қайси раҳбарнинг барча халқ ноиблари, вазир ва ҳокимларнинг кундузлик фаолият дастурига айланishi шарт.

Хурматли депутат ва сенаторлар!

Янгиланган Конституциямизда муҳрланган устувор мақсад ва вазифаларни амалга ошириш келгуси фаолиятимизнинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади.

Сайловчилар билан бўлган барча учрашувларда мен ҳаётимизни яхшилаш, уни ҳар томонлама эркинлаштириш ҳақида одамларимизнинг жуда кўплаб фикр-мулоҳазалари, таклиф ва талаблари билан яқиндан танишдим. Уларнинг асосий қисми биз ишлаб чиқаётган тараққиёт дастуридан албатта ўрин олади.

Шу мақсадда мавжуд ҳукуқий-меъерий базани янгилаш бўйича олдимизда кенг кўламли ишлар турганини сизлар албатта яхши тасаввур қиласиз. Яъни, қандай янги қонунларни қабул қилиш, қайси қонун ҳужжатларини ўзгартириш кераклигини сизлар ҳаммадан кўра яхши биласиз. Чунки сизлар эл-юртимиз ишонч билдирган, қонуний ваколат берган халқ вакилларисиз.

Қонунчилик ва ижро ҳокимиятини тақомиллаштириш, ихчам ва самарали бошқарув тизимини ташкил этишда биз сизларга, сизларнинг бой тажрибангиз, билим ва салоҳиятингизга, фидойилик фазилатларингизга таянамиз.

Конституциямизда муҳрлаб қўйилганидек, жонажон Ўзбекистонимизни миллати, тили ва динидан қатъни назар, ҳар бир фуқаромиз тинч ва эркин, баҳтири ва фаровон яшайдиган ижтимоий давлатга айлантирамиз. Жўмладан, таълим ва тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларини ривожлантириш, янги уй-жойлар куриш, аҳолини иҷимлиқ суви, энергия билан ишончли таъминлаш, ижтимоий инфратузилмалар ишини яхшилаш бўйича белгилаб олган вазифаларни албатта бажарамиз.

Биз учун Ватан рамзи бўлган маҳалла тизимини барча ислоҳотларимизда марказий ва ҳал қўилувчи бўғинга айлантирамиз.

Тадбиркорлик учун янада қуладай имкониятлар яратиб, янги-янги иш ўринлари очиш, аҳоли даромадларини қўйпайтириш, ёшлар ва хотин-қизларни замонавий касб-хунарларга ўқитиши, уларнинг бандлигини ошириш эътиборимиз марказида бўлади.

Аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари, ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз кексаларни қўллаб-куватлаш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган ишларни янги босқичга олиб чиқамиз.

Ҳеч шубҳасиз, биз бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт билан бирга ажоддларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавиятга таянамиз.

Сайловолди учрашувларида миллий ўзлигимиз ва эзгу қадриятларимизни асрар-авайлаш, маданият, маънавият ва маърифат соҳаларини ривожлантириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш бўйича белгилаб олган вазифаларни сизлар билан, кенг жамоатчилик билан биргалиқда амалга оширамиз.

Ўзбекистонда барча сиёсий ҳукуқлар қаторида виждан ва эътиқод эркинлиги кафолатлари сўзсиз таъминланади.

Биз демократия ва очиқлик сиёсатини изчил давом эттириб, конструктив муҳолифат фаолиятини, сўз ва матбуот эркинлиги, фуқароларнинг аҳборот олиш, ундан фойдаланиш ва тарқатишига бўлган ҳукуқларини кафолатлаймиз.

Ўзбекистон фуқаролари дунёning қайси ўлкаси ёки минтақасида бўлмасин, қонунларимиз ҳимоясида бўлади. Чет элдаги ватандошларимиз билан алоқаларни янада мустаҳкамлаймиз.

Қадрли ватандошлар!

Сайловолди учрашувларида ҳар бир ҳудуддаги энг долзарб масала билан боғлиқ устувор йўналишларни муҳкамма қилиб олганимиз албатта бежиз эмас.

Мақсад – марказий вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар ва жамоатчиликни ана шу муаммолар ичига чукурроқ олиб кириш, ҳар бир ҳудуд бўйича ечимларни аниқ-аниқ кўрсатиб бериш эди.

Энди ҳукумат ҳам, вазирлик ва идоралар ҳам, маҳаллий ҳокимликлар ҳам ана шу йўналишлар бўйича ишлайди. Мақсад – аниқ, вазира – аниқ, амалга ошириладиган лойиҳалар – аниқ, зарур маблағлар ҳам аниқ-равшан белгилаб берилган.

Одамлар энди биздан янги амалий ишларни кутяпти. Миллионлаб инсонлар – ота-оналаримиз, опа-сингилларимиз, ёғил-қизларимиз бутун бизга умид ва ишонч билан кўз тикиб турибди. Ана шундай умид ва ишончни оқлаш, эришган ютуқларимизни янги натижалар билан мустаҳкамлаш бизнинг нафақат вазифамиз, балки инсо-

ний бурчимизга айланishi шарт.

Барча бўғиндаги раҳбарларга чиройли, баландпарвоз гапига қараబ эмас, фаолиятининг аниқ натижасига қараబ берамиз.

Қонунларни, одамларни мэнсимиайдиган, уларга қўтпол муносабатда бўладиган, бироқратия ва коррупция балосига берилган ҳар қандай раҳбар билан – у вазир ёки ҳоким бўладими, бошқа масъул вазифадаги амалдор бўладими – салбий ҳаракатлари билан давлат обўрисига путур етказаётган бундай кишилар билан узил-кесил хайрларшамиз. Уларнинг ўрнига билимли, Ватан ва халқ ташвиши билан яшайдиган ёш-ёш йигит-қизларни кўйамиз.

Мана, сафимизга юртимиздаги, чет элдаги нуғузли олийгоҳларда ўқиган, йирик компанияларда ишлаган қанча-қанча салоҳиятли ёшлар кириб келмоқда. Мен уларнинг тимсолида аввало эртанги кунимизнинг янги раҳбарларини, худуд, тармоқ ва соҳаларнинг моҳир бошқарувчиларни кўраман.

Иқтисодиёт соҳасида ҳам туб бурилишларни амалга оширамиз. “Яшил иқтисодиёт”, “яшил энергия” тамоилиларини янада кенг жорий этамиз. Иқтисодиётимизга кирилаётган инвестициялар ҳажмини бир неча баробар оширамиз.

Биз 2030 йилгача ялпи ички маҳсулотимиз ҳажмини 160 миллиард долларга етказишидек жуда катта марра олдик. Бунга эришиш албатта осон бўлмайди. Лекин бу йўлда аниқ хисоб-китобларимиз, реал имкониятларимиз бор. Табиий бойликларимиз, меҳнат ресурсларимиз, интеллектуал ва маънавий салоҳиятимиз, иш тажрибамиз етарли.

Мен Ўзбекистон ёшларига яна бир бор мурожаат қильмоқчиман: азиз ўғил-қизларим, бутун тарихнинг ўзи, замоннинг ўзи сизларнинг олдингизда бекиёс имкониятлар очмоқда.

Эл-юрт корига аввало ким ярайди?

Албатта, сизлар!

Янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессансни ким барпо этади?

Албатта, сизлар!

Юртимиз, ҳалқимизни келажакда ким рози қиласи?

Албатта, сизлар!

Ҳалқимиз, Ватанимиз сизларга ишонади.

Сизлар Ўзбекистон тарихига олтин ҳарфлар билан ёзиладиган буюк ишларни амалга оширишга қодирсиз.

Ёшлик – фанимат, вақт – фанимат, фурсат борида отни қамчиланг! Давлатимиз, ҳалқимиз яратиб берадиган имкониятларнинг қадрига етинг! Дунёга ўз сўзингизни айтинг!

Иzlаниш ва интилишдан асло тўхтаманг!

Бахт ва омад доимо сизларга ёр бўлсин!

Ҳурматли аңъумуман иштирокчилари!

Экология ва атроф-муҳитни асраш, сув тақчиллигининг олдини олиш бундай буён ҳам биз учун долзарб ва зиға бўйли қолади.

Биз, ҳеч шубҳасиз, экологик мувозанат, мусаффо ҳаво, тоза сув, безавол табиат тарафдоримиз. Бу масала биз учун бошқаларга қараганда ниҳоятда долзарб ва муҳимдир. Нега дегандা, биз дунёдаги энг катта экологик оғат – Орол фожиасини бевосита ўз бошидан кечираётган ҳалқимиз. Шунинг учун ҳозирги вақтда республикамизда бебаҳо экологик тизимни сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган қенг кўлламли дастурлар, жумладан, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси амалга оширилмоқда. Биз келгусида бу ишларни янада жадал давом эттирамиз.

Янги қуриладиган саноат корхоналари лойиҳаларидан ба масала бўйича қаттиқ назорат ўрнатилади. Оролбўйи мунтақасидаги экологик вазиятни яхшилаш учун ҳам барча зарур чора-тадбирларни кўрамиз.

Айни пайдада биз факат дехқончилик билан кун кўрадиган мамлакат бўйли қолмаслигимиз керак. Биз атроф-муҳитга зарар етказмаган ҳолда, ишлаб чиқариш индустрияси кучли даражада ривожланган давлатга айланисимиз зарур.

Мамлакатимизда бутун мавжуд бўлган саноат салоҳияти, очик айтиши керак, дунёдаги кўпгина давлатларда йўқ. Биз мана шундай ноёб салоҳиятимизни янада ривожлантириш, юртимизни қудратли индустряяни маконига, юқори технологиялар, инновациялар, жаҳон бозоридаги рақобатбардош бўлган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаридиган замонавий мамлакатга айлантириш бўйича катта-катта дастурлар қабул қилганимиз ва уларни албатта амалга оширамиз.

Биз нафақат мөхир пахтакор ва боғбонлар ўлкаси, балки IT бўйича юқори малакали мутахассислар, инженер ва энергетиклар, кончи ва металлурглар, физик ва кимёглар мамлакати бўлишимиз керак.

Қадрли ватандошлар!

Ўзбекистонимизнинг ер ости ва ер усти бойликлари кўп. Лекин бизнинг энг катта кучимиз, бебаҳо бойлиги миз бу – ягона, аҳил оила бўйли яшайдиган кўпмиллатли ҳалқимиздир.

Бўйли ўтган сайловлар бу ҳақиқатни яна бир бор исботлади.

Барчамиз миллатимиз, тилимиз ва динимиздан қатъни назар, дунёмиз, эл-юртимиз тинч бўлсин, Ўзбекистонимиз обод ва фаровон бўлсин, фарзанд ва невараларимиз

соғлом бўлиб, замонавий билим ва касб-хунар эгаллаб, ҳаётда ўз ўрни ва баҳтини топсин, деган эзгу ният билан яшаймиз.

Биз мамлакатимиздаги 130 дан ортиқ миллат ва элат вакилларига ўз тили, маданияти, урф-одат ва қадриятларини ривожлантиришлари учун зарур шароит яратиб беришни изчил давом эттирамиз.

Ишончим комил, азалдан дўстлик ва ҳамжихатлик маскани сифатида шуҳрат қозониб келган Ўзбекистон замини бундан бўён ҳам чинакам инсонпарварлик ва бағрикенглиқ диёри бўлиб қолади.

Мухтарам дўстлар!

Ҳозирги таҳхикали замонда юртимиз тинчлиги ва ҳафғизилигини таъминлашнинг ишончли кафолати бўлган Куролли Кўчларимиз қудратини янада ошириш устувор вазифамиздир. Шу мақсадда биз миллий армиямиз қудратини, аскар ва офицерларимизнинг жанговар шайлиги, жисмоний ва маънавий тайёргарлигини кучайтиришга ёзгиборни янада оширамиз.

Ҳарбий хизматчилар ва соҳа фахрийларини, уларнинг оила аъзоларини кўллаб-куватлаш, моддий таъминотини янада яхшилаш, ўй-жой билан таъминлаш, фарзандларининг замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаши учун қўшимча чора-тадбирларни кўрамиз.

Биз чукур ўйланган ташқи сиёсат ва иқтисодий дипломатия борасидаги ҳаракатларимизни изчил давом эттирамиз.

Аввало, мінтақамиз мамлакатлари билан яхшилаштириш, яхши қўнчлилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада кучайтириш асосий мақсадимиз бўлади.

Дунёнинг узоқ-яқин давлатлари билан ўзаро манфаатли ва кўпқиррали алоқаларни кенгайтиришга алоҳида эътибор берамиз.

Янги қўнчимиз бўлган Афғонистонда тинч ва осоишига ҳаётни тиклаш учун афғон ҳалқига кўлмиздан келган баҳра ёрдамина кўрсатамиз. Ушбу мамлакат билан биргалиқда йирик транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга оширишдан мағфаатдормиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтиослашган тузилмалари, Парламентлараро иттифоқ, Мустақил

Сайловдан
кейинги ўйлар

ВАТАН ИЧРА “МЕН”И БЎЛСИН ҲАР КИМНИНГ

“Ҳаёт азоб-үқубат ҳам, ором ҳам эмас. У зиммамиздаги ва биз виждан охирига етказишимиз зарур бўлган бурчдир”. XIX аср биринчи ярмида яшаб ўтган фаранг давлат арбоби ва публицист Алексис Токвил қанчалар улуғ ҳикматни баён этган экан-а! Ҳақиқатан ҳам на азоб-үқубат ва на ором бўлмаган ҳаёт рўйи заминнинг гултоғи бўлган инсон зиммасига жуда залворли бурчни юклаб қўйибди. Энди бу бурчни ҳар ким ўз дунёкаши даражасида идрок этади.



Назаримда, ҲАЁТ аталмиш улуғ неъмат буюк Истиқолининг ўттиз иккинчи довони сари дадил одимлаётган Ўзбекистонни, унинг меҳнаткаш элини тараққиёт тақозоси билан жуда катта синовларга рўборо қўлди. Небахтни, Ўзбекистон бу сиёсий синовлардан ҳалқаро ҳамжамият олдида ҳам, ўз ҳалқи олдида ҳам ҳамжихатлика, мардана ўтди. Референдум ҳам, янгилangan Конституция талабларидан келиб чиқиб, муддатидан аввал ўтказилган президент сайловида ҳам овоз берувчи ва сайловчилар кутилганидан фаолроқ бўлдилар. Ҳа, жадид бобомиз Чўлпон айтганларида, ҳалқ куч эканлигини намойиш эта олди.

Оммавий ахборот воситалари орқали кузатиб бордикки, сайлов куни хорижда вақтингча истиқомат қилаётганлар, айниқса, ҳаж сафарида ватандошларимиз ҳам яратиб берилган имкониятдан фойдаланиб, оммавий кўтарикиликда овоз бер-

дилар. Бу кўтарикилик туманимиздаги мавжуд 60 та сайлов участкаларида ҳам кузатилди. Тўқизинчи июл куни ҳали саккиз бўлмай сайлов участкалари одамлар билан гавжумлаши. Сайловчилар Ватанимизнинг умидли эртасига ишонч билан, кўтарики кайфиятда ўз бурчларини адо этишига киришилар.

— Мен бу йил биринчи бор президент сайловида иштирок этяман,—дейди 692-сайлов участкасида биринчилардан бўлиб овоз берган Ҳумора Баҳодиржонова.

Сайлаш ҳуқуқимдан фойдаланаётганимдан баҳтиёрман. Бу ҳуқуқ менга шу юртнинг балофат остонасидан ўтган фуқароси сифатида бурч ҳам юклашини юракдан хис қилиб турибман. Бу бурчни мени тарбиялаб элга қўшаётган оилас, таълим берган мактабим, устозларим, шу азиз Ватаним олдида танлаган ва эришиш учун интилаётганим муаллималик касбим, жамият ҳаётида фаол иштирок этиш орқали оқлашга бор куч-имкониятимни сарфлайман.

— Сайловларнинг жуда кўпини кўрдик, — дейди “Қўйки” махалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Жўрабой Каримов.—Ҳеч қандай рақобатсиз, биргина номзодни илгари суреб, сайлов деб атаган даврлар ҳам бўлди. Қирқ йиллардан бўён участка, туман сайлов комиссияси аъзоси сифатида сиёсий жараённи ташкил этувчилик сифатида фаолият юритаман. Охири ги йиллarda сайловларда одамларнинг фаол иштирок этиши мени мамнун этади. 672-сайлов участкасига биз, катта авлод вакиллари биринчилардан бўлиб чиқибмиз. Барча жараёнлардан сўнг ҳаётидаги тинчлиги, тараққиётимиз бардавомлигини, сайловлар чиройли ўтишини тилаб дуои фотиҳа қилиб, овоз беришни бошладик. Одамларнинг розилиги йўлида биргина туманимизда бўлаётган янгиланишлар, ободончиликлар кимни хурсанд қўлмайди! Бу дориломон кунларнинг шукронасини айтмай бўладими!?

Шу куни ким билан сұхбатлашманг, ана шундай кайфият ва шукроналикка гувоҳ бўлдик. Энг муҳими, сайлов жараёнлари

халқаро миссиялар, хорижлик ва маҳаллий кузатувчилар томонидан ҳам ижобий баҳодорланди. Куннинг биринчи ярмида ёқ сайлов ўтди, дея хулоса чиқаришига асос бўладиган овоз тўпллангани ҳам буни исботлаб турибди.

Сайлов юкори савия ва даражада ўтди. Сайловчилар Янги Ўзбекистоннинг асосчили, бир мақсад йўлида амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий ислоҳотлар ташаббускори, амалдаги Президент Шавкат Мирзиёев олиб бораётган сиёсатга хайриҳоҳ эканлигини у кишининг номзодини ёқлаб берган овозлари орқали амалда намойиш этди. Ахир ҳеч ким кабинага кириб, сайловчига курсатма берби турмади. Ҳалиқ тўлқинидир, деганлари шу-да!

Бу, ўз-ўзидан эмас, албатта. Мамлакатимизда юкоридан пастга тушиб ишлаш асносида элни рози қилиш йўлида олиб бораётган чуқур ислоҳотлар, керак бўлса, ҳар бир хонадон, маҳалла мисолида кўзга яққол ташланиб турибди.

Буни биргина туманимиз мисолида ҳам кўриб турибмиз. Вилоятда иқтисодий заиф ҳисобланган Қўштепа кейинги етти йил ичидан саноати, қишлоқ хўжалиги, қўйинги, барча жабхалари барқарор ривожланаётган ҳудудлар қаторига қўшилганини кўриб-билиб турибмиз. Бу янгиланишлардан туман аҳли миннэтдор. (Бу ҳақда туман ҳокими билан қилган сұхбат асносида газетамизнинг ўтган сонида бағағиси ёритилди). Президент қарорлари асосида обод бўлиб бораётган маҳаллалар, равон йўллар, ҳатто чекка қишлоқлардаги тунги ёритичлар, бири-биридан чиройли боғча ва мактаблар ҳавасингизни келтирди. Биргина “Ташабbusli бюджет” доирасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари қишлоқ аҳлини равон йўлларда юриш, электр, тоза ичимлик суви билан боғлиқ муаммоларини камайтириш имкониятларини бераётir.

Камбағалликни қисқартириш, эҳтиёж-мандларни ижтимоий муҳофаза қилиш, кекса авлод вакилларига эътибор ва эҳти-



ром курсатиш, ёшлар ташаббусларини қанот ёйдириш, оиласларнинг чироғи бўлган аёлларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, миллатнинг бўлғуси тарбиячилари бўлган қизларнинг билимли бўлишлари учун имтиёзлар яратиш ва ҳоказо соҳалардаги ислоҳотлар меваляридан туманимиз аҳли ҳам баҳраманддир.

Лекин очик айтадиган бўлсак, ҳамма сайловчи ҳам бугунги тараққиёт жараённида, Ўзбекистонга дўсту нодўст нигоҳлар қадалиб турган таҳликали замонда, шу юртнинг бир онгли фуқароси сифатида ўз “мен”имни қандай қашф эта оляпман, юртимнинг олға интилишида менинг ҳам хиссам борми, деган савонни беравермайди. Ваҳоланки, юкорида келтирилган ҳикматдаги каби ҳаётнинг ўзи бизга—тўрт мучаси саломат, жисмоний имконияти бор, ақлу фаросати етарли кишиларга бундай дахлорлик бурчини юклаган. Бу бурчни англамаслик инсонликка исноддир.

**Хадиҷаҳон КАРИМОВА .
(Давоми кейинги сонда).**

■ Интилиш

ҚАЙСИ ЙЎЛНИ ТАНЛАДИНГИЗ?

Битирувчилар ҳаётида жўшқин паллалар ўтиб боряпти. Кимдир олий таълимiga ҳужжат топшириб, синовларни ҳаяжон билан кутаётган бўлса, яна кимдир ҳаёт ўйлани ҳунар ёки бизнес билан боғламоқчи. Жорий йил туманимиз мактабларини 2 225 нафар ёшлар битириб, катта мустақил ҳаёт бўсағасида турибди. Уларнинг зиммасида ўн бир йил давомида устозларидан олган билим, ҳаётий тажрибани амалда қўллаш, натижка кўрсатиш масъулияти турибди. Улар бу масъулиятни қай даражада англаяптилар? Шу савол билан 45-умумтаълим мактаби битирувчилари билан сұхбатлашдик.

Намунали хулқи, интилиши билан ажраби турадиган Мухаммадрасул Мўйдинов олган билимига ишонган ҳолда республика мактабларидан энг нуфузли олий таълим мусассаларидан бири — Андикон давлат тиббиёт институтига ҳужжат топширишга чўчимиади. Табиии фанларга қизиқиб, уларни пухта ўргангандан Мухаммадрасул бир неча бор фан олимпиадаларининг туман ва вилоят босқичларда олдинги ўринларни эгаллаган бўлса, битирувчилинида республика босқичида қатнашиш имконини кўлга киритди. Ҳар киритди ва чиндан ҳам кучли билимга эга эканлигини исбот қила олди. Кимё ва биология фанларидан синовларда қатнашиб, миллий сертификатни кўлга киритди. Энди ДТМ имтиҳонлари вақтида кимё ва биология фанларидан тест ечиш мусаммоси безовта қўлмайди. Чунки юкоридаги имтиҳон натижалари унга бу фанлар доирасидаги тестлар учун бериладиган энг юкори баллни тақдим этиб бўлган.

Мактаб даврида ёк маълум ютуққа эришганлардан бири Нигинабону Мухаммад-

жоновадир. У чет тилларини ўрганиш, хориж давлатларига саёҳат қилишни орзуларди. Қалбдаги соғ ниятлар мақсадга айланниб, инглиз тилини ўрганишни бошлади. Ҳаракат ва интилишлар самара бериб, тил билиш бўйича В2 даражадаги сертификатни олди. Ушбу натижага билан энди унинг учун имкониятлар эшиги очилди. Агар хоҳласа, ўзига истаган бирор хориж давлатига таълим олиш учун кетиши ёки ўзимизнинг олийгоҳлардан бирига тил ўйналишида имтиёз билан кириши мумкин. Нигина Фарона давлат университетида ўқиб, онаси каби инглиз тили ўқитувчиси бўлиш ниятида.

Куч-ғайратга тўлган битирувчилар ичидаги ҳарбий соҳага қизиқсан, Ватан ҳимоячиси бўлишга интилаётган ёшлар ҳам бор. Улардан бири Самандар Раҳматовдир. У ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий ҳаёт билан яқиндан таништириш мақсадида ташкил этилган “Ватан таянчи” отрядида маълум вақт ўқиб, ҳарбий хизматнинг “таями”ни қисман тотиб

кўрганлардан. Отрядда ҳарбий соҳага қизиқиши ва салоҳиятини кўрсатиб, тенгдошларига ўрнак бўла олишини исботлади. Натижада “Ватан таянчи” отряди унинг кейинги фаолиятини ҳарбий соҳа билан боғлашига ишонч билдириб, уни 5 фоизли имтиёзли сертификат билан тақдирлади. Самандар ушбу имтиёз ёрдамида Чирчик олий танк муҳандислик билим юртига кириб, таҳсил олмоқчи.

Мустақил ҳаётини кичик бизнес билан боғлаш ҳаракатини аллақачон бошлаган Файратжон Содиқжонов ёшлигидан пойабзал ишлаб чиқариш сирларини отасидан ўрганган. Ота касбини давом эттиришни мақсад қилган йигит бизнесни назарий жиҳатдан ҳам чукурроқ ўрганиш ниятида Фарғона политехника институтида сиртдан ўқимоқчи. “Болалигимдан пойабзал ишлаб чиқариш жараёнини ҳарбий соҳа билан боғлашига ишонч билдириб, уни 5 фоизли имтиёзли сертификат билан тақдирлади. Самандар ушбу имтиёз ёрдамида Чирчик олий танк муҳандислик билим юртига кириб, таҳсил олмоқчи.

Фуқаролик ишлари бўйича Марғилон туманлараро судининг шу йил март ойидаги ижро ҳужжатига асосан қарздор А. Абдувоҳидовдан ундирувчи Д. Холдорова фойдасига вояга етмаган бир нафар фарзандининг моддий таъминоти учун барча даромадларининг тўртдан бир қисми миқдорида алимент ундириш белгиланган.

Ходимларимизнинг отанинг фарзанд олдидағи қонуний бурчи борасида олиб борган тушунириш ишлари натижасида қарздор А. Абдувоҳидовдан бир нафар фарзандининг таъминоти учун 2040 йилга қадар ҳисобланган 264 миллион 557 минг 949 сўм миқдоридаги алимент пули яқинда ундириб берилди. Энди ота мөхридан мосуво бўлган бола моддий қийинчиликдан фориғ бўлди.

**Илҳомжон СОБИРОВ,
Нукус давлат университети
талабаси. Дехқонобод МФИ.**

ҲУҚУҚ ВА БУРЧ

17 ЙИЛЛИК АЛИМЕНТ ПУЛИ ОЛДИНДАН ТЎЛАБ БЕРИЛДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 октябрдаги қарори билан тасдиқланган “Алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек, алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 9-бандида алиментларни беш йилдан кам бўлмаган муддат учун олдиндан тўлаш мумкиниги кўрсатилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Марғилон туманлараро судининг шу йил март ойидаги ижро ҳужжатига асосан қарздор А. Абдувоҳидовдан ундирувчи Д. Холдорова фойдасига вояга етмаган бир нафар фарзандининг моддий таъминоти учун барча даромадларининг тўртдан бир қисми миқдорида алимент ундириш белгиланган.

Ходимларимизнинг отанинг фарзанд олдидағи қонуний бурчи борасида олиб борган тушунириш ишлари натижасида қарздор А. Абдувоҳидовдан бир нафар фарзандининг таъминоти учун 2040 йилга қадар ҳисобланган 264 миллион 557 минг 949 сўм миқдоридаги алимент пули яқинда ундириб берилди. Энди ота мөхридан мосуво бўлган бола моддий қийинчиликдан фориғ бўлди.

МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИ ТУМАН БУЛИМИ.

Расулуллоҳ
(с.а.в.)
ҳадисларидан



Аллоҳга маҳбубларингиз
овқатни кам еб, бадани ен-
гил бўлганларингиздир.

**Ибн Аббос (розиял-
лоҳу анху)дан Дай-
ламий ривояти.**

Умматим хусусида хавф-
сирайдиган нарсамнинг энг
кўркинчлиси қорин катта-
лиги, уйкуда бардавомлик,
дангасалик ва имон заиф-
лигидир.

**Жобир (розияллоҳу
анху)дан Доракутний
ривояти.**

Ҳаромдан такво қил, одамларнинг энг обиди бўла-
сан. Аллоҳ сенга тақсимлаб
кўйган ризқка рози бўл,
одамларнинг энг бадавлати
бўласан. Қўшнингга ях-
шилил қил, мумин бўласан.
Узингга яхши кўрган нарса-
ни одамларга ҳам раво кур,
мусулмон бўласан. Кулгини
купайтирма, чунки кўп кул-
ги қалбни ўлдиради.

**Абу Ҳурайра (розиял-
лоҳу анху)дан Аҳмад
ривояти.**

Сизлардан бирингиз
биродари устида синов
(имтиҳон) бўлаётганини
курса, унга эшиттирилмасдан
(Аллоҳ уни саклагани учун)
Аллоҳга ҳамд айтсин.

**Жобир (розияллоҳу
анху)дан Ибн Нажор
ривояти.**

Ёнгин кўрсангизлар, так-
бир айтинглар. Чунки так-
бир ўша ёнгинни учиради.

Ибн Асокири ривояти.

Фарзандларингиз исми-
ни Мұхаммад деб номла-
сангиз, уни ҳурмат қилинг,
мажлисда кенг жой беринг
ва юзингни хунук қилсин,
деб сұмқан.

**Хазрат Али (розиял-
лоҳу анху)дан Хатиб
ривояти.**

Банда "Ё Рабим, ё Ра-
бим!" деса, Аллоҳ таюло:
"Лаббай, эй бандам! Сўра-
гин, уша сўраганинг бери-
лади!", дейди.

**Хазрат Ойша (розиял-
лоҳу анху)дан Ибн Абу
Дунё ривояти.**

Сизлардан бирингизга
таом ҳозирланса-ю, унинг
оёғида пойабзали бўлса,
уша пойабзалини ечсин.
Чунки мана шундай қи-
лишда иккى оёққа роҳатла-
ниш бор (ва у суннат амал-
дир).

**Анас (розияллоҳу
анху)дан Абу Яъло ри-
вояти.**

"2002 ҳадис"дан.
(ҳадиси шарифлар-
да одоб-ахлоқ
зикри).
"Мунир" нашриёти.
Тошкент—2022 йил.

Saboq bekati

Оз-оздан ўрганиб
доно бўлур,
Қатра-қатра йигилиб
дарё бўлур.
Алишер НАВОЙИ.

Аҳли дониш дейдиларки...

БЕКОРЧИЛИКНИНГ ДАВОСИ

Бекорчи одамлар ўзларининг узок умрлари
давомида яшамаган одамлардир.

Т. ФУЛЛЕР.

Бекорчи умр—бевақт қаришdir.

И. ГЁТЕ.

Бекорчиликдан ақлий ва жисмоний заиф-
лиқ келиб чиқади.

Д. И. ПИСАРЕВ.

Бекорчи ҳаёт покиза бўлолмайди.

А. П. ЧЕХОВ.

Иш билан машғул бўлмаган одам ҳеч қачон
чинакам бахтга эришолмайди, ишёқмаснинг
қиёфасида сиз доимо норозилик ва лоқайд-
лик аломатини кўрасиз.

Г. ГЕЙНЕ.

Харакатсиз баҳт бўлmas.

Ф. М. ДОСТОЕВСКИЙ.

Бекорчи ҳаётга одатланиш инсон учун энг
оғир кулфатdir.

Л. Н. ТОЛСТОЙ.


Бекорчиликнинг энг мақбул давоси—доимий
ва ҳалол меҳнат.

М. СЕРВАНТЕС.

Чинакам ва покиза қувончлардан бири
меҳнатдан кейинги хордик.

И. КАНТ.

"Тафаккур гулшани"дан. Fafur
Фулом номидаги Адабиёт ва санъат
нашиёти. Тошкент - 1989 йил.



Фаввора гашти

ДУНЁНИНГ МУМТОЗ ФАЙЛАСУФЛАРИ

АҚЛ-АҚЛДАН ҚУВВАТ ОЛАР

МИЛЕТЛИК ФАЛЕС ХАЁТИ...

Милетлик Фалес ўз
замонасидаги етти
нишманднинг бири бўл-
Айтишларича, Фалес
етти донишманд-
нинг ичда етакчи-
лик қилган. У би-
ринчлардан бўлиб
табиат ҳақида фикр
юритган. Қўёш ту-
тилиши унинг ой
билан тўсилиши
туфайли юз бери-
шини биринчи бў-
либ Фалес англ-
ган, диаметр айланани тенг иккига бўлишини исботлаб
берган. Фалес фалакиётшунослик билан ҳам шуғулла-
ниб, кўёш тутилишини олдиндан айтиб берган.

Фалес Миср эхромларининг баландлигини уларнинг
соясига караб ўлчаган. У ёлғизлика ҳаёт кечириб,
давлат ишларига аralашмаган. Унинг қўйидаги аса-
лари маълум:

"Қўёшнинг ҳаракати ҳақида", "Тенгкунлик ҳақида".

Цицерон шундай гувоҳлик беради:
"Фалсафа Фалесдан бошланади, у биринчи эди".

...ҲИҚМАТИ

Қўхна қўлэзмаларда Фалеснинг ҳаҷири билан содир
бўлган мана бу воқеа ҳикоз қилинади:

"Устига бир неча қоп туз ортилган ҳаҷир дарёни ке-
чиб ўтаётганда бехосдан тойиб кетади. Натижада иви-
ған қоплардаги туз эриб, ҳаҷирнинг юки енгиллашиб
қолади. Шундан сўнг ҳаҷир дарёдан сузиб ўтаётганда
ҳар сафар атайнинг сувга бир шүнғиб олишини одат ки-
лади. Ниҳоят Фалес ҳаҷирнинг бу найрангини сезиб
қолиб, унинг устига юнг солинган қопларни ортишини
буоради. Ҳаҷир ноилож айёлридан воз кечиб, одатини
тарк этишига мажбур бўлади".

--Энг гўзл нарса нима?

--Одам, чунки у Тантрининг маҳсулидир.

--Энг тез нарса нима?—Ақл. У ҳамма нарсани ортда
қолиди.

--Ҳаммадан донорок нарса-чи?

--Вақт. Чунки ёлғиз вақтгина ҳамма нарсани ойдин-
лаштиради.

--Ҳамма учун энг умумий нарса нима?

--Ўмид. Чунки у ҳеч вақси ўйқуларда ҳам мавжуд-

--Энг кучли нарса нима?

--Зарурят. Чунки у ҳамма нарсанинг устидан
хукронлик қиласи.

--Энг қийин нарса нима?

--Ўзни англаш.

--Энг осон нарса-чи?

--Ўзгаларга маслаҳат бериш.

--Кимни баҳти санаш мумкин?

--Жисмоний соғлом, руҳий хотиржам ҳамда исте-
додини ўстира олган кишини.

"Ҳақиқат манзаралари"дан.
"Янги аср авлоди". Тошкент—2002 йил.

ГАПНИ ОЗ СЎЗЛА, ИШНИ КЎП КЎЗЛА

Куруқ гап гапиргандан қўра амалий иш қилиш зарурлигини, бу эса
кишига фойдадан ҳоли эмаслигиги
ни ўқтирувчи бу сингари мақоллар
кўп: "Тилинг сўзда бўлса ҳам, қўлинг
ишида бўлсин", "Тилинг сўзласин, қў-
линг ишласин", "Гап бўлса жойда иш
оз бўлур", "Кўп гапиргандан кўп иш
кутма", "Кўп билан қилиб бўлмас", "Гап билан
шошма, иш билан шош", "Гап билан

мақтана, иш билан мақтана", "Сўз тўйғизмайди, иш тўйғизади", "Тилинг
билан дов кўтартунча, ишинг билан
донг кўтарт", "Гап билан вайда бер-
ма, иш билан далда бер", "Ҳар кунги вай-
зхонликдан—бир кунги жонбо-
злик яхши", "Кўп гапдан оз бўлса ҳам
иш яхши" ва бошқалар.

"Ҳикматнома"дан.
Тошкент - 1990 йил.

ЁЗ МЕВАЛАРИ

БИЛИБ ҚЎЙГАН МАЪҚУЛ

Ҳар фаслнинг ўз
зийнати бор. Шу
маънода ёз мавсуми
инсон саломатли-
гига фойдали неъ-
матларга бойлиги
билан аҳамиятли. Ёз
меваларининг инсон
вужудидаги кўплаб
касалликларга қар-
ши мукаммал шифо
воситаси эканлиги)
мутахассислар томо-
нидан аникланган. Қўйидаги маълумот-
лар шу ҳақда.

Шафтоли: тар-
киби калий ва С витаминига
бой ушбу мева камқонлик, аса-
бийлик, хотира заифлашувига
қарши энг яхши даво воситасидир. Шу
билан бирга, қон босимини меъёрига
келтиради, иштаҳа очади ва ҳазм илиши-
ни осонлаштиради.

Олҳўри: таркибида А, С, Е, В гурӯх
витаминлари, оқиси, цеплюлоза (бирик-
тирувч тўқималар), калиций, натрий,
темир, калий ва магний каби минерал-
лар мавжуд. Пешоб ҳайдайди, терла-
тади, асаб тизимиши мустаҳкамлайди,
қонни тозалайди ва камқонликка даво
бўлади.

Тарвуз: турли минерал ва витами-
нларга бой ушбу полиз экини буйра-
кини яхшилайди, пешоб ҳайдайди. Буйракни тузлардан тозалайди, саратон



хасталигининг олдини олади.

Ковун: кўп микдорда В витамини,
бром ва йодни ўзида мужассам қилгани
сабаби ҳам асабларни тинчлантиради,
тиңч уйқуни таъминлайди. Томир туги-
лиши (пробкаси), камқонликни барта-
раф этади.

Узум: кўплаб витаминларга, калий
ва темирга бой. Энг аҳамиятли жиҳати
қонни кўпайтиради, вужудга ва зеҳнга
куват беради. Организмдаги заҳарли
моддаларнинг чиқиб кетишини таъмин-
лайди, юқори қон босимини туширади,
ошқозон яраси, гастрит, жигар, талоқ
касалликлари, бод, бўғимлар ялиғла-
ниши хасталиклари ва қабзиятда фой-
далидир. Шу билан бирга, терининг гў-
зларини бўлишини таъминлайди.

"Ирфон" тақвимидан.